



Ўзбекистонда Gig иқтисодиёти экотизими

УДК: 376.1.330.34(575.1)

Ибрагимова. Н. М., Анвархонов А. Ж., Рахмонов А. А. Ўзбекистон Gig иқтисодиёти экотизими. – Т.: Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти.

Ўзбекистонда рақамли инфратузилма жадал ривожланаётган бўлса-да, аҳолининг инновацион хизматларга эҳтиёжи билан улардан амалда фойдаланиши ўртасида тафовут сақланиб қолмоқда. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги 483 нафар респондент ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, аҳолининг рақамли тайёргарлиги юқори: респондентларнинг 94 фоизи смартфонга, 90,3 фоизи банк картасига, 81,6 фоизи электрон тўлов иловасига эга. Мобил банкинг ва давлат рақамли хизматлари аҳолининг кундалик ҳаётига кенг кириб келган бўлса, телемедицина ва рақамли агрохизматларда талабга нисбатан амалдаги фойдаланиш даражаси пастлигича қолмоқда. Тадқиқотнинг ўзига хос жиҳати Gig иқтисодиёти ва инновацион хизматларни фақат платформалар сони билан эмас, балки аҳолининг рақамли имкониятлари, хизматларга эҳтиёжи, улардан фойдаланиши ва қониқиш даражаси орқали баҳолашдан иборат. АКТ хизматларида яратилган ялпи қўшилган қийматнинг 2017 йилдаги 5,8 трлн сўмдан 2025 йилда 47,3 трлн сўмга етгани мавжуд рақамли салоҳиятни янада юқори иқтисодий ва ижтимоий самарага айлантириш заруратини кучайтирмоқда. Материал рақамли иқтисодиёт сиёсатини ишлаб чиқувчи вазирлик ва идоралар, IT ва платформа компаниялари, молия, таълим ва соғлиқни сақлаш ташкилотлари учун мўлжалланган.

Нашр учун масъул: Б. Хамидов, PhD, Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти директори ўринбосари

Материалларни тўлиқ кўчириш ёки қисман иқтибос келтиришга, шунингдек, жадвал ва графиклардан фойдаланишга <http://www.imrs.uz> сайтига гиперхавола мавжуд бўлган ва/ёки муаллифлигини кўрсатувчи ёзув илова қилинган тақдирда йўл қўйилади.

Сайтда эълон қилиш учун 17.08.2026 йилда рухсат етилди.

© Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти, 2026 йил.

I. Gig иқтисодиёти ва инновацион хизматлар

Инновацион хизматлар аҳолининг ҳаёт сифатини ошириш, меҳнат унумдорлигини яхшилаш ва ҳудудларни ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Бутурдаги хизматлар ўз ичига Gig иқтисодиётига таълуқли **мобил банкинг, давлат рақамли хизматлари, етказиб бериш хизматлари, онлайн савдо, онлайн таълим, иш топиш платформалари, телемедицина ва агро хизматлари**ни олади.

Хитойдаги Taobao Villages тажрибаси инновацион хизматлар, хусусан электрон тижорат, иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, янги иш ўринларини яратиш ва камбағалликни қисқартиришда улкан имкониятларга эга эканини яққол намоён этган. Аммо, бу тажриба рақамли имконият ўз-ўзидан иқтисодий натижага айланмаслигини ҳам кўрсатди. Маваффақият учун интернет қамровнинг ўзи кифоя эмас. Мустаҳкам экотизим, ишончли логистика, амалий кўникмалар, тадбиркорлик салоҳияти ва қулай бизнес муҳити бир бутун тизим сифатида ишлагандагина инновацион хизматлар ҳақиқий тараққиёт манбаига айланади.

Ўзбекистонда ҳозирги босқичда инновацион хизматларни ривожлантиришдаги **асосий тўсиқ** технологик ечимлар танқислиги эмас, балки бундай хизматларга талаб билан улардан фойдаланиш ўртасидаги тафовутнинг сақланиб қолаётганлигида.

Бошқача айтганда, **инфратузилманинг** дастлабки пойдевори яратилган бўлса-да, интернет сифати, рақамли тенгсизлик, тўлиқ мобил мантиққа асосланмаганлик, техник кўмакнинг заифлиги ва ахборотнинг етарли эмаслиги кўплаб **инновацион хизматлардан фойдаланишга** тўсқинлик қилмоқда.

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, ахборот-коммуникация технологиялари хизматларида яратилган ялпи қўшилган қиймат 2017 йилдаги 5,8 триллион сўмдан 2025 йилда 47,3 триллион сўмга етган. Ўртача йиллик ўсиш суръати 29,5 фоизни ташкил қилган. Ушбу соҳанинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши ҳам 2017 йилдаги 1,7 фоиздан 2025 йилда 2,7 фоизгача ошган.

Шу сабабли, давлат сиёсати фақат янги платформалар сонини кўпайтиришга қаратилса, унинг **иқтисодий ва ижтимоий самараси** чекланади.

Шундан келиб чиқиб, **Gig иқтисодиёти самарадорлигини** ишга туширилган платформалар сони билан эмас, балки аҳолининг улардан қай даражада фойдаланаётгани, хизматдан қанчалик мамнунлиги ва қайси гуруҳлар қамраб олинаётгани билан баҳолаш лозим.

Яқин истиқболда энг юқори самарани онлайн медицина, агро хизматлар, онлайн таълим ва рақамли бандлик платформаларида ресурсларни мақсадли йўналтириш орқали қўлга киритиш мумкин.

II. Ўзбекистон Gig экотизими

Ахборот базаси. Хулосалар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида яшовчи 483 нафар аҳоли ўртасида ўтказилган сўров натижаларига таянади. Танланма жинс, ёш, бандлик ва оила таркиби каби асосий ижтимоий-демографик кўрсаткичлар бўйича репрезентатив бўлиб, олинган хулосаларни кенгроқ аҳоли қатламига татбиқ этиш имконини беради.

Рақамли инфратузилма билан таъминланганлик. Сўров натижалари аҳолининг рақамли хизматларни қабул қилишга тайёрилиги юқори эканини кўрсатди. Респондентларнинг 94 фоизи смартфонга эга. Шунингдек, аҳолининг 90,3 фоизида банк картаси, 81,6 фоизида эса электрон тўлов иловалари борлиги рақамли иқтисодиёт унсурларини, айниқса масофавий тўловлар ва онлайн савдо хизматларини ривожлантириш учун мустаҳкам замин мавжудлигини билдиради.

Мобил интернетдан фойдаланиш даражаси 85,3 фоизни ташкил этиб, доимий интернетдан фойдаланиш кўрсаткичидан, яъни 77,2 фоиздан юқори. Бу инновацион хизматларни ташкил этишда веб сервислардан кўра мобил иловаларга устувор аҳамият бериш зарурлигини англатади. Айни пайтда, компьютер ва ноутбуклар билан таъминланганликнинг 54 фоиз даражасида қолиши мураккаб ва профессионал дастурий таъминот талаб қиладиган хизматлар учун айрим чекловлар сақланиб қолаётганини кўрсатади.

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 100 та уй хўжалиги ҳисобига тўғри келадиган мобил телефонлар сони 2017 йилдаги 257 тадан 2025 йилда 359 тага етган. Бу аҳоли даромадларининг ўсиши ва мобил қурилмаларнинг кундалик ҳаётдаги аҳамияти ортиб бораётгани билан изоҳланади.

Шу даврда 100 та уй хўжалигига тўғри келадиган компьютерлар сони ҳам 50 тадан 76 тагача кўпайиб, 52 фоизлик ўсишни намоён қилган. Муомаладаги банк карталари сони эса 2025 йил 1 март ҳолатига кўра 71 миллиондан ошиб, 2023 йилдаги 34,2 миллионга нисбатан қарийб икки баравар кўпайган.

Рақамлашиш индекси. Аҳолининг рақамли имкониятлар билан таъминланганлик даражаси смартфон, компьютер, банк картаси ва интернет сифати каби тўрт асосий омилга таянади. Бу кўрсаткич Тошкент вилоятида максимум 4 баллдан 3,2 баллга, Тошкент шаҳрида эса 3,31 баллга тенг бўлди. Мазкур натижа аҳолининг рақамли тайёрлиги етарлича юқори эканини ва инновацион хизматларни кенгайтириш учун зарур базавий инфратузилма шаклланишини англатади. Шу билан бирга, рақамлашиш даражаси билан инновацион хизматлардан қониқиш ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик кузатилади: рақамли имкониятлар кенгайган сари фойдаланувчи қониқиши ҳам ортаган.

Талаб ва амалдаги фойдаланиш ўртасидаги фарқ. Таҳлил шуни кўрсатадики, мобил банкинг ва электрон давлат хизматлари аҳоли ҳаётига сингиб кетган. Бу йўналишларда эҳтиёж билан амалдаги фойдаланиш деярли бир-бирига мос келади. Аммо телемедицина ва рақамли агро хизматларда ҳолат бошқача: аҳоли бу хизматларга эҳтиёжни сезмокда, лекин улардан амалда фойдаланиш ҳали чекланган.

Қониқиш даражаси ва хизмат сифати. Фойдаланувчилар инновацион хизматларнинг интерфейси қулайлигини 5 балли системада ўртача 4,12 балл, ишлаш тезлигини эса 3,81 балл билан баҳолаган. Бу рақамлар хизматларнинг ташқи кўриниши ва ишлаш мантиғи бўйича муайян ютуқларга эришилганини кўрсатади. Бироқ техник қўллаб-қувватлашнинг 3,48 балл, нархнинг мақбуллиги эса 3,51 балл билан баҳоланиши ушбу икки йўналиш энг заиф нуқталар бўлиб қолаётганини англатади.

Аҳоли назарида устувор чоралар. Давлат хизматларини ривожлантиришни биринчи даражаливазифадеббилганреспондентларнинг 25,7 фоизи энг самарали чора сифатида интернет сифатини яхшилашни қайд этган. Онлайн таълимни устувор деб ҳисоблаганлар эса рақамли саводхонлиқни оширишни биринчи ўринга қўйган. Телемедицина бўйича энг муҳим ечим сифатида махсус қўллаб-қувватлаш механизмлари тилга олинган. Бу, айниқса, кекса авлод ва қишлоқ аҳолиси учун алоҳида ёрдамчи чоралар зарурлигини кўрсатади.

III. Таклифлар

Экспертиза натижаларига боғланган давлат бюджети харажатлари. Бунда давлат иштирокидаги ҳар қандай янги рақамли лойиҳа бюджетдан молиялаштирилишидан олдин махсус экспертизадан ўтказилади. Лойиҳа қуйидаги 5 та умумий рақамли тамойилни текшириши лозим: рақамли идентификация, электрон имзо ёки розилик журнали, рақамли тўлов, API орқали маълумот алмашинуви, рақамли манзил ва хабарнома. Бу эса мобил банкингни тезлаштиради, давлат хизматлари ҳужжат айланмасини қисқартиради, етказиб бериш ва онлайн савдо манзилларни аниқ белгилай олади, онлайн таълим тизими сертификат ва профиль билан ишлайди, иш топиш платформалари кўникмаларни реал вақтда текширади, онлайн медицина йўлланма ва рецепт алмашинувини енгиллаштиради, агро хизматлар фермер профили ва субсидия маълумотлари билан боғланади.

Gig-платформаларни таълим тизими билан интеграция қилиш. Бунда талабаларга университет платформалари орқали бевосита қисқа муддатли иш топшириқларини олиш имконини берувчи Study + Gig моделини жорий этилади. Жаҳон амалиётида, хусусан Жанубий Кореяда, Gig-иқтисодиёти кампуси ёшлар бандлигини оширишнинг самарали воситаси сифатида қўлланади.

Инсонлар ҳаётидаги ўзгаришларга мос хизмат пакетини тақдим этиш. Давлат хизматлари идоралар кесимида эмас, муҳим ҳаёт воқеалари кесимида тақдим этилади. Инсонлар ҳаётидаги ўзгаришларга мос хизмат пакети таклиф қилинади. Бу орқали фуқаронинг ҳаёт цикли давлат архитектурасининг асосий бирлигига айланади. Бир ҳаётий бурилиш автомат равишда бир неча соҳани активлаштиради. Масалан, янги бизнес очиш мобил банк ҳисоб очиш, давлат хизматларида рўйхатдан ўтиш, онлайн савдода магазин профилини яратиш, етказиб беришда манзилни аниқ кўрсатиш, иш топиш платформасида вакансияларни эълон қилиш, онлайн таълимда қисқа курсларга эҳтиёжни кўрсатиш, субсидия ва бошқа маслаҳат хизматлари билан боғланади.

Ҳар бир фуқаро учун ишонч профилини яратиш. Инсон ҳаётидаги ютуқларини унинг рақамли фаоллиги асосида аниқланади ва унинг портатив ишонч профилини яратилади. Шу асосда, унга кредит, суғурта ва давлат ёрдами бериш бўйича қарорларни қабул қилишда фойдаланилади.


Ўзбекистонда Gig иқтисодиёти экотизими

Сўровнома натижалари асосида

1 Танланма профили


Кўрсаткич	Тошкент вилояти	Тошкент шаҳри	Жами
Респондентлар сони, нафар	294	189	483
Аёллар улуши	52,7%	50,3%	52,8%
35–44 ёш (фаол гуруҳ)	33,7%	25,4%	30,4%
Давлат секторида бандлар	44,6%	28,0%	38,1%
Пенсионерлар	17,0%	24,9%	20,1%
Ўртача оила ҳажми, киши	5–6	3–4	3–6

2 Техник имкониятлар ва рақамлашиш




3 Рақамлашиш индекси

Рақамлашиш индекси тузилмаси ва респондентлар тақсими, нафар



Респондентларнинг асосий қисми 3–4 даражадаги рақамлашиш кўникмаларига эга.

4 Ёш гуруҳлари кесимида хизматларга эҳтиёж, балл



Мобил банкинг барча ёш гуруҳларида юқори эҳтиёжга эга; онлайн таълимга эҳтиёж ёш катталашган сари пасаяди.

5 Инновацион хизматлардан фойдаланиш қамрови, %



Энг юқори қамров мобил банкинг ва давлат хизматларида кузатилади.

6 Хизмат сифати баҳоси, балл



Энг юқори баҳо интерфейс қулайлигига берилган.

7 Интернет сифати ва қўниқш ўртасидаги боғлиқлик



Интернет сифати яхшилانган сари инновацион хизматлардан қўниқш даражаси ҳам ошади.



Асосий хулосалар

- ✓ Рақамли инфратузилма ва смартфондан фойдаланиш даражаси юқори, лекин компьютер/ноутбук қамрови нисбатан паст.
- ✓ Gig иқтисодиёти экотизими учун мобил банкинг, онлайн савдо, ўтказиб бериш ва давлат хизматлари энг тайёр сегментлар ҳисобланади.
- ✓ Интернет сифати, хизмат интерфейси ва ишончлиликни яхшилаш экотизим ривожини учун муҳим.